Tadqiqot.uz

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

## DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022




MAY

№40

CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz
www.conferences.uz

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 4-ҚИСМ

# НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ КОНФЕРЕНЦИЙ: ЧАСТЬ-4

# NATIONAL RESEARCHES OF UZBEKISTAN: CONFERENCES SERIES: PART-4

ТОШКЕНТ-2022

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:”** мавзусидаги республика 40-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

**1. Х.Казакбаев**
ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "БИР КАМАР, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИДА ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ 7

# СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

## ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "БИР КАМАР, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИДА ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

**Х.Казакбаев,**
ТДШУ Хитой тарихи,маданияти,
сиёсати ва иқтисодиёти кафедраси мудири
Email: foreignpolicy@mail.ru

**Аннотация:** Ушбу мақола Хитой Халқ Республикасининг Жанубий-Шарқий Осиё минтақасида "Бир камар, бир йўл" доирасида амалга ошираётган лойиҳалари, минтақа давлатларининг лойиҳадаги иштирокига бағишланган.

**Калит сўзлар:** Хитой Халқ Республикаси, Си Цзинпин, "Денгиз Ипак йўли", Жанубий-Шарқий Осиё, темирйўл лойиҳалари, Жанубий Хитой денгизи

ХХР Раиси Си Цзинпин 2013 йил Қозоғистон (сентябрь) ва Индонезия (октябрь)га ташрифи давомида "Ипак йўлининг иқтисодий камари" ва "XXI аср денгиз ипак йўли" (кейинчалик "Бир камар, бир йўл") лойиҳасини таклиф қилади. Ушбу лойиҳада Марказий Осиё сингари Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари мухим ўрин тутади.

Ушбу лойиҳа ўз навбатида ХХРнинг ташқи иқтисодиётида муҳим стратегияга айланди. 2015 йилда лойиҳанинг асосий йўналишлари белгилаб олинди:

1) ХХР – Марказий Осиё – Россия – Европа;
2) ХХР – Марказий Осиё – Ғарбий Осиё – Форс кўрфази – Ўртаер денгизи;
3) ХХР – Жанубий-Шарқий Осиё – Жанубий Осиё – Ҳинд океани[1].

Юқоридаги йўналишлардан ташқари паралел равишда Хитой портларидан Жанубий Хитой денгизи орқали Ҳинд океанига ва Европага олиб борадиган денгиз йўли ҳам лойиҳанинг асосини ташкил этади. Бу ўз навбатида Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг ролини оширади. Лойиҳанинг енг аҳамиятли томони шундаки, "Бир камар, бир йўл"ўтадиган ҳудудларда инфраструктура яхшиланади. Темирйўл ва автомобил йўллари қурилади, денгиз портлари ташкил этилади. Инфраструктурани яхшилаш билан бирга, логистика тизимини ривожлантириш, эокин иқтисодий ташкил этиш орқали лойиҳа доирасида савдо-инвестициявий муҳит яратилади. Бу орқали ХХР ўзииниг кам ривожланган ва денгизга чиқа олмайдиган Ғарбий ҳудудлаини ривожлантиришни ҳам кўзда тутмоқда.

ХХР ҳукумати қисқа давр ичида лойиҳани молиялаштиришни бошлади. Хусусан, 2014 йил ноябрда ХХР Раиси Си Цзинпин "Ипак йўли" фондига 40 млрд АҚШ доллари ажратилишини маълум қилган бўлса, ХХР бошчилигида 57 та давлат (Ўзбекистон ҳам) устав капитали 100 млрд АҚШ долларлик Осиё инфраструктура ва инвестиция банки ташкил этилди[2]. Шу тариқа лойиҳани молиялаштириш масаласи ижобий ҳал қилинди.

Умуман олганда "Бир камар, бир йўл" лойиҳасининг ХХР учун муҳимлик даражасини қуйидаги омиллар орқали англаш мумкин.

*Биринчидан*, Денгиз Ипак йўли (хусусан, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари)да иштирок этаётган давлатлар ХХРнинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланади. Маълумки, ХХР ташқи савдосининг 90 % денгиз орқали амалга ошириладиган бўлса бошқа тарафдан ХХР нефть импортининг 60 % денгиз орқали ўтади.

1 Киреева А.А. Инициатива пояса и пути:содержание, цели и значение // Сравнительная политика и геополитика. – 2018. – Т.9. – №3. – С.62

2 Киреева А.А. Инициатива пояса и пути:содержание, цели и значение // Сравнительная политика и геополитика. – 2018. – Т.9. – №3. – С.63

*Иккинчидан*, Денгиз Ипак йўли ХХРнинг денгизбўйи провинциялари: Хэбэй, Шаньдун, Цзянсу, Чжэцзян, Фуцзяь, Гуандун ва Хайнаннинг иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади.

*Учинчидан*, Жанубий-Шарқий Осиёдаги ХХР-АҚШ рақобатида минтақа давлатлари билан яқин ҳамкорлик қилиши, Осиё-Тинч океанидаги “кучлар мувозанати”ни таъминлашга ёрдам беради.

*Тўртинчидан*, АҚШнинг “Транс-Тинч океани” шартномаси[1]дан чиқиши унга муқобил сифатида ХХР томонидан “XXI аср денгиз ипак йўли”ни таклиф этилиши минтақада ХХРнинг таъсирини янада оширади.

*Бешинчидан*, “Бир камар, бир йўл” лойиҳаси орқали Африка ва Европа бозорларига чиқиши ушбу минтақаларда ХХР позициясини мустаҳкамланишига олиб келади[2].

2017 йили 100 та давлат вакиллари иштирок этган “Бир камар, бир йўл” форумида иштирокчи давлатларда қиймати 900 млрд АҚШ долларини ташкил этадиган 270 та инфраструктура лойиҳалари амалга оширилиши маълум қилинди. Бу эса Жанубий-Шарқий Осиёдаги Лаос, Камбоджа каби давлатларга қўшимча имконият тақдим этади[3].

“Бир камар, бир йўл” лойиҳаси Жанубий-Шарқий Осиёда инфраструктурани ривожланишига хизмат қилмоқда. Айниқса бу ҳолат Лаос ва Камбоджа каби давлатларда яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, Лаосдан ўтадиган қиймати 6 млрд АҚШ долларини ташкил этадиган Куньмин-Сингапур темирйўлининг қурилишини кўриш мумкин. Шу билан бирга ушбу давлатларнинг ташқи қарзи ХХР ҳисобига ошиб бормоқда. Бугунги кунда Камбоджа ташқи қарзини 50 % ХХРга тўғри келади[4]. Шунингдек, Жанубий-Шарқий Осиёдаги бошқа давлатларида йирик лойиҳалар амалга оширилди.

*6. жадвал*

*2014-2019 йилларда Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида “Бир камар, бир йўл” доирасида амалга оширилган лойиҳалар (млрд АҚШ доллари ҳисобида)*[5]

| № | Йил | Лойиҳани амалга оширган компания | Лойиҳа қиймати | Соҳа | Амалга оширилган давлат |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 2017 | Kuala Lumpur–Kota Bahru Rail (Construction) | 14,3 | темирйўл | Малайзия |
| 2. | 2013 | Preah Vihear–Kaoh Kong Railway | 9,6 | темирйўл | Сингапур |
| 3. | 2017 | Vanke, Hopu, Hillhouse, Bank of China | 9,06 | логистика | Камбоджа |
| 4. | 2013-2018 | Kyaukpyu Deep Sea Port (Construction) | 7,3 | транспорт | Мьянма |
| 5. | 2015 | China General Nuclear | 5,96 | энергетика | Малайзия |
| 6. | 2016 | Vientiane–Boten Railway Project | 5,8 | темирйўл | Лаос |
| 7. | 2017 | Bangkok to Nakhon Ratchisima High-SpeedRailway (Phase 1) | 5,35 | темирйўл | Таиланд |
| 8. | 2013 | Zhejiang Hengy | 3,44 | энергетика | Бруней |

1 Транс-Тинч океани (Trans-Pacific Partnership,TPP) савдо шартномаси. 2016 йил 4 февралда Янги Зеландияда 12 та давлат (Австралия, АҚШ, Бруней, Канада, Чили, Япония, Малайзия, Мексика, Янги Зеландия, Перу, Сингапур, Вьетнам) томонидан имзоланган. АҚШда ҳокимиятга Д.Трамп келиши билан 2017 йил 23 январда АҚШ шартномадан чиқади.

2 Игнатьев С.В. Юго-Восточная Азия в проекте КНР«Морской шелковый путь XXI века»:аспекты безопасности // Юго-Восточная Азия: актуальные проблемы развития. – 2018. – Т.1 №2 (39). – С.41

3 Киреева А.А. Инициатива пояса и пути:содержание, цели и значение // Сравнительная политика и геополитика. – 2018. – Т.9. – №3. – С.64

4 Bridging the Belt and Road Divide // https://carnegieendowment.org/files/ChinaRiskOpportunity-Belt_and_Road.pdf

5 China’s Belt and RoadInitiative (BRI) and Southeast Asia // https://www.lse.ac.uk/ideas/Assets/Documents/reports/LSE-IDEAS-China-SEA-BRI.pdf

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 9. | 2017 | China Railway Engineering | 3,19 | темирйўл | Индонезия |
| 10. | 2017 | China Railway Construction, China Railway Engineering | 2,69 | темирйўл | Таиланд |

Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида “Бир камар, бир йўл” доирасида лойиҳаларнинг 80 % темирйўл лойиҳаларини ташкил этади. Бу эса ХХР янги транспорт коридорларини яратишни ўз олдига асосий мақсад сифатида кўраётганини кўриш мумкин. Бундан ташқари ХХР ҳукумати Индонезия, Вьетнам, Камбоджа давлатларида ҳам юқори қийматли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

*7. жадвал*

*2014-2019 йилларда Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида “Бир камар, бир йўл” доирасида лойиҳалар учун ажратилган маблағлар (млрд АҚШ доллари ҳисобида)*[1]

| Давлат | маблағ | Давлат | маблағ |
|---|---|---|---|
| Индонезия | 171,1 | Лаос | 47,70 |
| Вьетнам | 151,68 | Бруней | 35,90 |
| Камбоджа | 103,96 | Мьянма | 27,24 |
| Малайзия | 98,46 | Таиланд | 24,11 |
| Сингапур | 70,09 | Филиппин | 9,40 |

Юқоридаги лойиҳа ва маблағлар Жанубий-Шарқий Осиё давлатларидаги инфраструктурани яхшиланиши транспорт-логистика соҳасининг ривожланишига олиб келиш билан бирга минтақа давлатларини иқтисодий жиҳатдан ХХРга боғлиқлигини оширмоқда.

ХХР ҳукумати Жанубий-Шарқий Осиё давлатларини “Бир камар, бир йўл” лойиҳасига жалб қилиш орқали келажакда юз бериш эҳтимоли юқори бўлган Жанубий-Хитой денгизидаги ҳарбий низоларда катта устунликни қўлга киритишни режалаштирмоқда. Шунингдек, 2018-2020 йилларда ХХР-АҚШ ўртасидаги иқтисодий келишмовчиликлар туфайли Хитой ўз этиборини биринчи навбатда минтақа давлатларига қаратишга мажбур қилмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Киреева А.А. Инициатива пояса и пути:содержание, цели и значение // Сравнительная политика и геополитика. – 2018. – Т.9. – №3.

2.Игнатьев С.В. Юго-Восточная Азия в проекте КНР«Морской шелковый путь XXI века»:аспекты безопасности // Юго-Восточная Азия: актуальные проблемы развития. – 2018. – Т.1 №2 (39).

3.Bridging the Belt and Road Divide // https://carnegieendowment.org/files/ChinaRiskOpportunity-Belt_and_ Road.pdf_

4.China’s Belt and RoadInitiative (BRI) and Southeast Asia // https://www.lse.ac.uk/ideas/Assets/Documents /reports/LSE-IDEAS-China-SEA-BRI.pdf

1 China’s Belt and RoadInitiative (BRI) and Southeast Asia // https://www.lse.ac.uk/ideas/Assets/Documents /reports/LSE-IDEAS-China-SEA-BRI.pdf

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 4-ҚИСМ

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.05.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000